

# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN-2181-8274

4/2020

*ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ИННОВАЦИИ*  
духовно-просветительский и научно-методический журнал

*EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION*  
spiritual-enlightenment, scientific and methodical journal

## Ushbu sonda:

Ta'lim iqtisodiyoti

Ta'lim sifatini oshirish

Pedagogika va psixologiya

Xalqaro munosabatlar va geosiyosat

Sog'lom avlod-kelajagimiz poydevori

Ma'naviy-axloqiy tarbiya va ma'rifiy ishlar

Barkamol avlodni tarbiyalashda ta'sirchan tadbirlarni  
tashkillashtirish

Zamonaviy pedagogik texnologiya va o'quv jarayonini  
loyihalash

Axborot-kommunikatsiya imkoniyatlaridan unumli va  
samarali foydalanish



# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-  
услубий журнал  
1996 йилда ташкил этилган.

2020/3-son

**Тахрир хайъати раиси:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим**  
**вазирлиги** **Маджидов И.У.**

**Тахрир хайъати раиси**  
**ўринбосарлари:**

Саломов Ў.Р.

Бегимкулов У.Ш.

Бузрукхонов С.М.

**Бош мухаррир:**

Хакимов З.Т.

Олий таълимни ривожлан-тириш

тадқиқотлари ва илғор

технологияларни татбиқ этиш

маркази директори

**Бош мухаррир ўринбосари**

Эсанов М.Х.

**Тахрир хайъати аъзолари**

Рихсимбаев О.Қ.

Исмаилов Б.М.

Базаров О.Х.

Ибрагимов И.У.

Тажиев М.

Баходирова Г.К.

Марахимов А.Р.

Туробжонов С.М.

Шарипов К.А.

Умурзаков Ў.П.

Халмуратов Р.И.

Мадияров Н.К.

Кодиров М.К.

**Жамоатчилик кенгаши аъзолари:**

Акбаров Х.А., Рихсиева Г.Ш.

Бабашев Ф.А., Каримов К.Х.

Ризаев Ж.А., Кудратхаджаев Ш.Т.

Усмонов Б.Ш., Сирожиддинов Ш.С.

Тешабаев Т.З., Ходжиев М.Т.

Қосимхўжаев У., Абдурахманов Қ.Х.

Тошқулов А.Х., Абдуллаев Б.И.

Жабборов Н.М., Жаров В.К.

Жумомуротов М.А.

**Тахририят:**

Тожиев М.-масъул мухаррир,

Усманова Д.-дизайнер

**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

## MUNDARIJA

### ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Д.Х.Нарзикулова.** Оилада ижтимоий низоларнинг  
тамоийллари, фарзанд тарбиясига таъсири.....3

**B.D.Parmonova.** Enhancing the education system after the  
global pandemic period.....6

**Р.К.Мусурманов., Ш.Т.Холикулов., М.Қ.Қодиров.** Олий  
таълимнинг ўқув-услубий таъминоти муаммолари  
хусусида.....9

**Ш.Хошимова.** Дифференциялашган ёндашув асосида  
профессионал таълими ўқитувчиларини тайёрлаш  
самарадорлиги.....15

### ЁШЛАРДА ОДОБНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ЭСТЕТИК КЎРИНИШГА ЭРИШИШ

**М.М.Султанова.** Талаба-ёшлар маънавиятини юксалтириш  
механизмлари.....19

**Н.Нурматова.** Ўқувчи-қизларни ижтимоий фаоллигини  
ошириш-барча ислохотлар самарадорлигининг  
кафолатидир.....23

### ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ

**М.Н.Mahmudova.** Nutqiy muloqot madaniyatini  
shakllantirishda audiovizual vositalarning ahamiyati.....26

**Ж.Мустофокулов, А.Ҳамзаев.** Сўнувчи механик  
тебранишларнинг математик таҳлили учун самарали  
педагогик технология.....30

**Г.Кушакова.** Ёшларда толерантлик тафаккурини  
шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари.....33

**Д.Г.Мухамедова.** Психодиагностическое обследование и  
развитие саморегуляции у студентов.....38

**Н.Т.Қолқанов.** Ўзбекистоннинг халқаро имижини  
шакллантириш омиллари.....43

**Ф.Р.Раджабова.** Корхона ва ташкилотларда лидерлик  
компетенциясини ривожлантириш механизмлари.....48

**Б.Х.Ҳакимжонов.** Ўзбекистон тарихини ўрганиш

Кодиров М.К.  
**Жамоатчилик кенгаши аъзолари:**  
Акбаров Х.А., Рихсиева Г.Ш.  
Бабашев Ф.А., Каримов К.Х.  
Ризаев Ж.А., Кудратхаджаев Ш.Т.  
Усмонов Б.Ш., Сирожидинов Ш.С.  
Тешабаев Т.З., Ходжиев М.Т.  
Қосимхўжаев У., Абдурахманов Қ.Х.  
Тошқулов А.Х., Абдуллаев Б.И.  
Жабборов Н.М., Жаров В.К.  
Жумомуротов М.А.  
**Тахририят:**  
Тожиев М.-масъул муҳаррир,  
Усманова Д.-дизайнер  
**Муассислар:**  
*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта*

**М.Н.Мамудова.** Nutqiy muloqot madaniyatini shakllantirishda audiovizual vositalarning ahamiyati.....26  
**Ж.Мустофоқулов, А.Ҳамзаев.** Сўнувчи механик тебранишларнинг математик таҳлили учун самарали педагогик технология.....30  
**Г.Кушақова.** Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари.....33  
**Д.Г.Мухамедова.** Психодиагностическое обследование и развитие саморегуляции у студентов.....38  
**Н.Т.Қолқанов.** Ўзбекистоннинг халқаро имижини шакллантириш омиллари.....43  
**Ф.Р.Раджабова.** Корхона ва ташкилотларда лидерлик компетенциясини ривожлантириш механизмлари.....48  
**Б.Х.Ҳакимжонов.** Ўзбекистон тарихини ўрганиш

## 2020 YIL 3-SON

*махсус таълим вазирлиги;  
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илгор технологияларни татбиқ этиш маркази*

*Манзил: 1000095, Тошкент шаҳри,  
Олмазор тумани, 100095, Toshkent,  
Shifonurko 'chasi, 75-uy*

*Телефон: 207-03-41;  
e-mail: [mxat@edu.uz](mailto:mxat@edu.uz)*

*Босишга рухсат этилди:  
Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5.  
Адади \_\_\_\_\_ нусха.  
Нархи: Келишилган ҳолда.  
Буюртма рақами \_\_\_\_\_*

*Журнал Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигидан 2014 йил  
26 декабрда 0506 рақами билан  
рўйхатдан ўтган.*

*Журнал йилда 4 мартаба  
(ҳар чоракда) ўзбек, рус ва инглиз  
тилларида чоп этилади*

*"Ta'lim, fan va innovatsiya" журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2015 йил 18 ноябрдаги 218/5-сонли  
қарори билан 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ бўйича, 2018 йил 28 ноябр-  
даги 247/6-сонли қарори билан 23.00.00  
– СИЁСИЙ ФАНЛАР бўйича доктор-  
лик диссертациялари асосий илмий  
натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий наирлар  
рўйхатига киритилган.*

*"Ta'lim, fan va innovatsiya" журналидан  
кўчириб босиш фақат тахририятнинг  
паёмиги билан алоқа ширтилади*

жараёнида ўқувчиларнинг миллий кадриятларга кизиқишларини ривожлантиришда кўргазмалилик методидан фойдаланиш усуллари.....53

### ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК ҚОНУНИЯТЛАР

**Д.Ш.Акрамова.** Умумий ўрта мактабларида чет тилларни ўрганишда самарадорликнинг мезонлари.....61  
**М.Х.Ахмедова.** Дунёнинг тил хусусиятлари.....66  
**М.Х.Ахмедова., Ф.Р.Хосилова.** Основные направления оптимизации обучения русскому языку в вузе на базе ИКТ.....69

### ТИББИЙ ПЕДАГОГИКА

**Х.М.Алиев, Т.Сайдуллаев, Ш.М.Хасанов, Н.К.Қур-  
бонова.** Морфометрические показатели высоты тел нейронов по слоям зрительной коры поля 17 у головного мозга человека в постнатальном онтогенезе.....74  
**Ш.А.Қасимова.** Вопросы патогенетической терапии риносинуситов у беременных.....78  
**А.К.Ганиев., М.Аманова., Х.Бектаева.** Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларида доривор ўсимликларга оид бошланғич билимларни шакллантириш.....82  
**А.Г.Гадаев., Л.А.Абдурахимова.** Инновационные образовательные технологии как фактор повышения качества подготовки кадров в сфере здравоохранения Республики Узбекистан.....87

### ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ

**Х.С.Хушвақтова.** Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш фани учун махсус аудитория мониторингини аниқлаш.....92

### ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АКТ ИМКОНИЯТЛАРИ

*А.К.Ганиев - ф.ф.н.профессори, Тош ДАУ  
М.Аманова-Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими  
бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш  
ва уларнинг малакасини ошириш институти,  
Х.Бектаева-ўқитувчи, ТВЧДПИ*

## **УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРГА ОИД БОШЛАНГИЧ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

### **Аннотация**

*Мақолада Республикамизда сўнги йилларда доривор ўсимликларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, уларни маданий ҳолда етиштирадиган плантацияларини ташкил этиши ва хом ашёсини қайта ишлаш ҳамда доривор – зирavor ўсимликларни умумий ўрта таълим мактабларда биология дарсларда кенгроқ маълумот киритишига оид маълумотлар келтиради.*

***Калит сўзлар:** доривор ўсимликлар, мактаб дастури, халқ таълими тизими, вариатив ўқув режалар, зирavor ўсимликлар, фармацевтика, оилавий тадбиркорлик*

## **ФОРМИРОВАНИЕ ПЕРВИЧНЫХ ЗНАНИЙ О ЛЕКАРСТВЕННЫХ РАСТЕНИЯХ У УЧАЩИХСЯ СРЕДНЕЙ ШКОЛЫ**

### **Аннотация**

*В статье приводятся сведения о рациональном использовании природных ресурсов лекарственных растений в последние годы в Республике, организации насаждений, выращивающих их культурно, переработке сырья, интродукции лекарственных и пряных растений в общеобразовательных школах биологии в более широком спектре занятий.*

***Ключевые слова:** дориворские заводы, школьная программа, система народного образования, образовательные планы, пряные заводы, фармацевтика, семейное предпринимательство*

## **FORMATION OF PRIMARY KNOWLEDGE ABOUT MEDICINAL PLANTS IN SECONDARY SCHOOL STUDENTS**

### **Abstract**

*The article provides information about the rational use of natural resources of medicinal plants in recent years in the Republic, the organization of plantings that grow them culturally, the processing of raw materials, the introduction of medicinal and spicy plants in secondary schools of biology in a wider range of classes.*

***Keywords:** dorivor factories, school curriculum, public education system, educational plans, spice factories, pharmaceuticals, family business*

Президентимиз томондан қабул қилинган кўпгина қарорлар жамиятимизнинг айрим соҳалардаги бўшлиқларни тўлдирishга қаратилади: Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги ПҚ-3304-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ПФ-5198-сон Фармониға мувофиқ Халқ таълими вазирлигининг мақтабгача ёшдаги болаларнинг сифатли таълим-тарбиясини ташкил этиш ва уларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш вазифалари янги тузилган Мақтабгача таълим вазирлиги зиммасига юклатилди (1,2).

Шу туфайли, Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мақтабдан ташқари таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражаға кўтариш, ўқув-тарбия жараёниға таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этиш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосий фаолияти йўналишларидан бири сифатида, умумий ўрта таълим мақтабларининг 10-11-синф ўқувчиларига касб-ҳунар ўргатиш ҳамда умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларига ва мақтабдан ташқари таълимға кўйиладиган давлат талабларига мувофиқ халқ таълими муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўқувчиларға касб-ҳунар ўргатишда методик раҳбарлик қилиш вазифалари юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5712-сон фармонида Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилға келиб PISA (The Programme for

микёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлақати қаторига киришиға эришиш, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мақтабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш каби вазифалар кўйилган Ушбу концепциянинг “Халқ таълими тизимининг асосий мақсад ва ривожланиш йўналишлари” деб номланган 3-бобида “...аввало чекка ҳудудларда жойлашган, ўқувчилар сони кам бўлган умумтаълим мақтаблари ўқитувчиларига кўшимча янги ихтисосликлар ва малакаларни ўзлаштиришға имкон берадиган таълим инфратузилмасини шакллантириш” халқ таълими тизимининг асосий ривожланиш йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади(3).

2019-2020 ўқув йилининг учинчи чорагидан бошлаб, тажриба сифатида 10-11-синфларда фанлар ихтиёрий танлов асосида ўқитила бошланган эди. Ушбу ижобий ислохотларнинг амалий натижаси ўларок, умумий ўрта таълим мақтабларида 2020-2021 ўқув йилида ҳам вариатив ўқув режаларини тажриба-синовдан ўтказиш ишлари давом эттирилиб, танлов йўналишлари сони ҳам оширилмоқда. Вариатив ўқув режаларини жорий қилишдан мақсад, ўқувчиларнинг ўзи қизиққан фанларни чуқур ўрганишиға шароит яратиш, мақтаб битирувчиларининг олий ўқув юртиға кириш имтиҳониға тайёргарлик кўришини таъминлаш ва юқори синфларда ўқув жараёнини касбларға йўналтирилган ҳолда ташкил этишдан иборат. Вариатив ўқув режаларининг жорий қилиниши ихтиёрий бўлиб, мақтабда танлов синфини ташкил этишда юқори малакали, тажрибали ўқитувчиларнинг мавжудлиги инобатға олинади.

Халқ таълими вазирининг 2020 йил 15 июндаги “Умумий ўрта таълим мақтабларида вариатив ўқув режаларни тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида” ги 115- сонли буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруққа асосан 2019-2020 ўқув йилида вариатив ўқув режалари жорий этган мақтабларда йўлга кўйилган тажриба-синов йўналиши янги 2020-2021 ўқув йилида ҳам давом эттирилиб,

12 тага оширилмоқда. Танлов синфларининг бешинчи йўналиши 10-11-синф учун – “табиий фанлар йўналиши” деб белгиланди (4).

Маълумки, Республикамизда сўнгги йилларда доривор ўсимликларнинг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни маданий ҳолда етиштирадиган плантацияларини ташкил этиш ва хом ашёсини қайта ишлаш борасида бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4670-сонли қароришбу ислохотларнинг изчил давомийлигининг ёрқин ифодаси бўлди (5).

Қарорда доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш мақсадида, 2020 йил 1 майдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентликлари таклифлари асосида доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 та тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 та тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 та тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда. 2019-йилда 48 млн АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган.

Шу билан бирга, таҳлиллар доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлиги ва бу борада кадрлар салоҳияти

замон талаблари даражасида эмаслигини кўрсатмоқда.

Доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини ташкил этиш, шунингдек, ҳудудларни доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштириш ҳамда уларда етиштириладиган асосий турдаги доривор ўсимликлар рўйхати javascript:scrollText(-4788661) тасдиқланди. Аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, мазкур ҳудудлар Республикамизнинг барча вилоятларини қамраб олган.

Қарорда ихтисослаштирилган ҳудудларда доривор ўсимликларни етиштириш, уруғликлар ва кўчатлар тайёрлаш, босқичма-босқич замонавий доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш кўзда тутилганлиги туфайли, уларда масумий ишлайдиган ишчилар зарур бўлади. Бундай ишларга ёзги таътил даврида юқори синф ўқувчиларини жалб қилиш мумкин. Албатта, уларга тегишли хизмат ва хавфсизлик йўриқномалари ўтилиши зарур.

Қарорнинг 5-бандида доривор ўсимликлар плантациялари ресурс тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратилиши белгилаб қўйилган. Чунки, баъзи турдаги доривор ўсимликларнинг жуда қиммат нархланиши, уларнинг кўп қўл меҳнатини талаб қилиши билан боғлиқлигидадир. Бу эса танлов синфларининг бешинчи йўналиш – “табиий фанлар йўналиши” юқори синф ўқувчиларига доривор ва зиравор ўсимликлар ҳақидаги билим ва кўникмаларни шакллантириш йўли билан битирувчиларини шу ишларга йўналтириш имконини беради.

Қарорнинг 8-бандида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда дори воситалари билан бир қаторда, кимёвий дори воситаларининг организмга салбий таъсирининг олдини олиш хусусиятларига қараб, доривор ўсимликларни минимум стандарт рецептларига киритиш бўйича тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш белгиланди. Мактаб ўқувчиларига доривор ўсимликларга оид билимларни бериш орқали, ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзи

ёш тарғиботчиларини тарбиялашимиз мумкин бўлади.

Мазкур қарор билан қуйидаги ташкилот ва муассасаларда фитобарлар фаолияти ташкил этиш кўзда тутилган:

- тиббиёт муассасалари, шу жумладан онлавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида;

- 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мактаб ва олий таълим муассасаларида;

- 2020-йилнинг 1-июнидан бошлаб босқичма-босқич барча вазирлик ва идораларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда маҳаллий аэропортларда, барча турдаги автовокзал, темир йўл вокзалларида, бозорлар, санаторий-курорт муассасаларида ҳамда бошқа аҳоли гавжум жойларда.

Қарордан кўриниб турибдики, аҳолининг барча қатламларини соғлом турмуш тарзига ўргатиш, уларда тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ёшларда ҳам бу борада бошланғич билимлар минимумини шакллантириш заруратини келтириб чиқаради.

Шунингдек, қарорда доривор ўсимлик хом ашёларини тайёрлашга хизмат қиладиган қуйидаги тузилмалар ташкил қилиниши кўзда тутилган:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг марказий аппаратида Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бўлими негизида Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бошқармаси;

2. Доривор ўсимликларни етиштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда агрокимё картограммалар ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси бўлими;

3. Доривор ўсимликларнинг намунавий кластерини ташкил этиш,

доривор ўсимликларга оид илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш ва тарғиб қилиш, ҳудудларда фитобарлар очиш, доривор ўсимлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш, халқаро молия институтлари маблағларини, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “Ўзбекистон доривор ўсимликлари” кичик инновацион корхонаси;

4. Доривор ва зиравор ўсимлик етиштирувчилар манфаатларини қўллаб-қувватлаш, хорижий мамлакатларда кўргазмалар ташкил этиш, етиштириладиган доривор ва зиравор ўсимликларнинг хусусиятлари, улар етиштириладиган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон ахборот тизимни яратиш каби масалалар билан шуғулланувчи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг палата марказий аппаратида мавжуд штат бирликлари доирасида Доривор ва зиравор ўсимлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўлими.

Юқорида таъкидланганидек, ушбу тузилган янги ташкилотларда ҳам юқори малакали, кенг билим доирага эга, салоҳиятли ёш кадрларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлигини билдиради.

Ва ниҳоят, қарорнинг 16-бандида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 2025/2026 ўқув йилига қадар, ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимларида доривор ўсимликларга оид махсус соатларни ўқув режаларига киритиш ҳамда 2020/2021 ўқув йили бошлангунга қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмаларга доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар киритилишини таъминлаш вазифалари юклатилди. Бу борада олиб борилаётган ишлар жумласига умумий ўрта таълим ўқувчиларига доривор ўсимликларга оид

бошланғич билимларни бериш учун тавсия этилан мавзулар ҳам киради.

Мактаб ўқувчиларига доривор ўсимликларга оид бошланғич билимларни беришдан мақсад, уларни ўз яшаш ҳудудларидаги доривор ўсимликлар билан таништириш, доривор ўсимликларни йиғишнинг экологик қондалари ҳақида тушунча бериш, уй шароитида доривор ўсимликлардан фойдаланишга ўргатиш орқали, ўқувчиларда атроф-муҳитга эътиборини кучайтириш, хотирани мустаҳкамлаш ва кизиқувчанликни ошириш, мустақил фикрлашга ўргатиш, ўз соғлигини асраш, табиатга, жумладан наботот оламига меҳр уйғотиш кабиларни назарда тутати.

Ушбу мақсадга эришиш учун умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6-синфларида куйидаги мавзуларда машгулотлар ўтилиши тавсия этилади:

1. Доривор ўсимликлар ҳақида тушунчалар. Бунда ўқувчиларга табиатда ёввойи ҳолда ва плантацияларда маданий ҳолда етиштирилаётган доривор ўсимликлар ҳақида умумий тушунчалар берилди.

2. Зиравор ўсимликлар ҳақида тушунчалар. Аксарият зиравор ўсимликлар дориворлик хусусиятларга эга эканлигини назарда тутиб, маҳаллий ҳамда четдан келтириладиган зиравор ўсимликлар ҳақида умумий тушунчалар берилди.

3. Доривор ва зиравор ўсимликлардан фойдаланиш. Ушбу мавзу доирасида ўқувчиларга доривор ва зиравор ўсимликлардан уй шароитида фойдаланиш ҳақида умумий тушунчалар берилди.

4. Доривор ўсимликларнинг этноботаникаси. Ўқувчиларни ўзи яшаётган ҳудудлардаги доривор ва зиравор ўсимликлар билан таништирилади.

Ушбу мавзуларни мактаб ўқувчилари томонидан тўлақонли ўзлаштириб, мактаблардаги доривор-зиравор ўсимликлар тур сонини аниқлаш мақсадида дарс вадарсдан ташқари вақтларида экскурсиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ булади олишларда турли педагогик технологиялар (муаммоли вазиятлар, кластер ва б.), мустақил таълим усуллари (гербарий тайёрлаш, ўсимлик хом ашёсини йиғиш ва

Куйида ихтисослаштириладиган ҳудудларда етиштириладиганасосий турдаги доривор ўсимликларни мактаб ўқувчилар билиб олишлари учун таклиф этилаётган рўйхати келтирилган:

1. Аччиқ бодом (*Amygdalus bucharica* Korsh.)
1. Аччиқ қалампир (*Capsicum annuum* L.)
2. Аччиқ эрмон (*Artemisia absinthium* L.)
3. Бўёқдор рўян (*Rubia tinctorium* L.)
4. Доривор кокиўт (*Taraxacum officinale* F.H.WIGG.)
5. Доривор лимон ўт *Melissa officinalis* L.)
6. Ер бағирлаган темиртикан (*Tribulus terrestris* L.)
7. Икки уйли газанда (*Urtica dioica* L.)
8. Ит бурун наъматаги (*Rosa canina* L.)
9. Катта зубтурум (*Plantago major* L.)
10. Қизилмия (ширинмия) (*Glycyrrhiza glabra* L.)
11. Кушторон (*Polygonum aviculare* L.)
12. Майда гулли тоғрайхон — (*Origanum thuythanthum* Gontsch.)
13. Оддий бўймадарон (*Achellia mellifolium* L.)
14. Оддий жағ-жағ (*Capsellabursa-pastoris* L.) Medik.)
15. Оддий исирик (*Peganum harmala* L.)
16. Самарқанд бўзоччи (*Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp.)
17. Сарикандиз (*Inula grandis* Schrek.)
18. Тешиқ далачай (*Hypericum perforatum* L.)
19. Тиканлик овул (*Capparis spinose* L.)
20. Туркистон арслон қуйруғи (*Leonurus turkestanicus* V.I.Krecz.& Kurrian.)
21. Туркистон дўланаси (*Crataegus turkestanica* Pojark.)
22. Уч бўлакчи иттиканак (*Bidens tripartita* L.)

Шунингдек халқ табобатида асрлар бўйи фойдаланиб келинаётган лекин кўпчилик томонидан дориворлиги унутилган бир нечта доривор ўсимликлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

#### ХУЛОСА

Доривор – зиравор ўсимликлар ҳақида мактаб ўқувчиларига тўлиқ билим бериш орқали уларга ўсимликдан уй шароитида туғри фойдаланиши, дориворлигини ажрата билиш, табиий ва ёввойи флорада тарқалган



тушунчалар. Аксариги зиравор ўсимликлар дориворлик хусусиятларга эга эканлигини назарда тутиб, маҳаллий ҳамда четдан келтириладиган зиравор ўсимликлар ҳақида умумий тушунчалар берилди.

3. Доривор ва зиравор ўсимликлардан фойдаланиш. Ушбу мавзу доирасида ўқувчиларга доривор ва зиравор ўсимликлардан уй шароитида фойдаланиш ҳақида умумий тушунчалар берилди.

4. Доривор ўсимликларнинг этноботаникаси. Ўқувчиларни ўзи яшаётган ҳудудлардаги доривор ва зиравор ўсимликлар билан таништирилади.

Ушбу мавзуларни мактаб ўқувчилари томонидан тўлақонли ўзлаштириб, мактаблардаги доривор-зиравор ўсимликлар тур сонини аниқлаш мақсадида дарс вадарсдан ташқари вақтларида экскурсиялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ булади олишларда турли педагогик технологиялар (муаммоли вазиятлар, кластер ва б.), мустақил таълим усуллари (гербарий тайёрлаш, ўсимлик хом ашёсини йиғиш ва қуритиш каби) кенг фойдаланиш мумкин бўлади.

TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

15. Одди исприқ (*Eganium parmanii* L.)
16. Самарканд бўзоччи (*Helichrysum maracandicum* Popov ex Kirp.)
17. Сарикандиз (*Inula grandis* Schrek.)
18. Тешик далачай (*Hypericum perforatum* L.)
19. Тиканлик овул (*Capparis spinosa* L.)
20. Туркистон арслон қуйруғи (*Leonurus turkestanicus* V.I. Krecz. & Kurrian.)
21. Туркистон дўланаси (*Crataegus turkestanica* Pojark.)
22. Уч бўлакчи иттиканак (*Bidens tripartita* L.)

Шунингдек халқ табобатида асрлар бўйи фойдаланиб келинаётган лекин кўпчилик томонидан дориворлиги унутилган бир нечта доривор ўсимликлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

#### ХУЛОСА

Доривор – зиравор ўсимликлар ҳақида мактаб ўқувчиларига ўлиқ билим бериш орқали уларга ўсимликдан уй шароитида туғри фойдаланиши, дориворлигини ажрата билиш, табиий ва ёввойи флорада тарқалган ўсимликларда дориворлик хусусияти борлигини ўргатиб, она табиатни асраб-

Страница 86

авайлаш ва унга нисбаттан меҳирли бўлиш ҳисларини шакллантиришга эришилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” ги ПҚ-3304-сон қарори.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5198-сон Фармони.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5712-сон фармони.*

#### 2020 YIL 3-SON

4. <https://www.uzedu.uz/uploads/2020/06/144-b-ilova.pdf> Халқ таълими вазирининг 2020 йил 15 июндаги “Умумий ўрта таълим мактабларида вариатив ўқув режаларни таъжриба-синовдан ўтказиш тўғрисида” ги ПҚ-115-сонли буйруғи.
5. N.A.Mirzaeva, *modern aspects of ecological competence of students in university, international conference in India, 01.08.2020.*
6. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4670-сонли қарори.*